*Жамоа шартномаси амалда*

**Кон қидирувчиларнинг иш хусусияти бошқаларникидан тубдан фарқ қилади. Улар бир жойда муқим тўхташмайди. Лойиҳа бўйича қидирув ишлари тугагач, бошқа манзилларга кўчишади.**

# КОНЧИЛАР МАТОНАТИ

Экспедициямиз жамоаси Самарқанд, Жиззах, Навоий вилоятлари ҳудудида кон қидирув ишларини олиб бормоқда. Айниқса, Бешқудуқ, Олтинсой, Саримеш минтақаларида, Нурота тоғ тизмаларида қидирув ишлари қизғин. Ерости бойликлари ва турли маъдан конларини топишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун одатдагидан ташқари шароитларда ойлаб-йиллаб иш олиб бориш керак. Бошқалардан фарқли ўлароқ бизда вахта услуби қўлланилади. Мана шундай иш хусусиятини ҳисобга олиб, барча қидирув гуруҳларининг истиқомат жойларида вақтинчалик уйлар қурилган, вагон-уйлар ўрнатилган. Кўрпа-тўшак, озиқ-овқат, тиббиёт воситалари, махсус кийим ва бошқа зарур ашёлар билан корхона ҳисобидан.

Меҳнат муносабатлари жамоа шартномасида белгиланган асосларда ташкил этилган. Унга кўра йил сайин ижтимоий ҳимоя тадбирларининг кўлами кенгайиб бормоқда. Масалан, ўтган йили умумхалқ ва касб байрамларида ишловчиларнинг барчасига тегишли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Йўл ва овқатланиш харажатларини қоплаш, қишки мавсумга сабзавот маҳсулотлари харид қилиш учун маблағ ажратилди. Ходимларнинг фарзандлари учун 5 миллион сўмлик янги йил совғаси туҳфа этилди. Йил давомида кам даромадлиларга 14 миллион сўмликка яқин моддий ёрдам кўрсатилди.

Жамоа шартномасида маъмурият катта мажбуриятларни зиммасига олган. Бурноғи йили ходимларга 3 та, бултур битта яшаш жойи ажратилди. Бундан ташқари, уйини хусусийлаштириб олаётганларга корхонадаги иш стажига қараб моддий ёрдам берилди, «Оналар ва болалар йили» муносабати билан хотин-қизлар учун бир қатор имтиёзлар белгиланди ва амалга оширилди. Хусусан, иш вақти 1 соат қисқартирилиши ҳисобига таътилга 6 кун қўшиб бериладиган бўлди. Хотин-қизлар учун санаторийларга 39 та йўлланма, шу жумладан, 13 та «Она-бола» йўлланмаси, корхонада ишлаб нафақага чиққан аёлларга 11 та йўлланма ажратилди. Уларнинг 75 фоизи корхона ҳисобидан бепул берилди. Ёзги мавсумда ходимларнинг 257 нафар фарзанди оромгоҳда дам олдирилди. Ишловчи хотин-қизларга тиббий хизмат кўрсатишга қарийб 500 минг сўм сарфланди. Уларга маъмурият томонидан 2,2 миллион сўм, касабақўм томонидан 116,8 минг сўм моддий ёрдам берилди.

**Г.ТРОЦЮК,**
**«Зарафшон» кон қидирув экспедицияси касаба уюшма қўмитаси раиси.**

Учқудуқ шаҳрида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Яқинда шаҳар марказий деҳқон бозорида «Оқ ният» номли хусусий тикув цехи иш бошлади. Уни ёш тадбиркор Роза Нурмуханова ўз маблағи ҳисобидан ишга туширди. Цех жамоаси томонидан тикилаётган кийим-кечаклар бежиримлилиги, сифати ва чиройи билан ўз харидорларини топмоқда.



***Суратда: цех бошлиғи Роза Нурмуханова ва тикувчи Ойгул Инкарова.***

**С.ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

*Умр ўтар, эзгулик қолар*

# ЎЗГАЛАРГА ФАРОҒАТ БАҒИШЛАБ

Ҳаёт ўз йўлида давом этаверади. Инсондан яхшиликлар, эзгу ишлар қолади. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ёзганларидек, энг олий ҳиммат ўзликдан кечиб, ўзгаларга фароғат бағишлашдир.

Қизириқ туманида нафақахўр Камолхон Раҳматов истиқомат қиладилар. Отахон Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштиришда фаол қатнашган чўрткесар, тўғри сўз одам экан. Суҳбат аҳолининг турмуши ва ижтимоий аҳволи мавзусига бурилганда, у гапнинг индаллосини айтди-қўйди.

— Меҳнат қилаётган одамнинг қандай яшаётганини кўришни истасангиз, бизнинг Ҳаким Эшонов номли ширкат хўжалигига боринг.

Қариянинг тавсияси билан хўжаликка бориб, унинг раҳбари Рашид Эшбоев, касаба уюшма қўмитаси раиси Хушвақт Ибрагимовлар билан учрашдик. «Меҳнатобод» фуқаролар йиғини раиси Ғаффор Қулматов ҳамроҳлигида хонадонларни айландик.

Хўжалик чўлни ўзлаштириш қизғин паллага кирган йилларда ташкил этилган экан. 800 дан ортиқ оила яшаркан. Ташаббускор раҳбарларнинг бутун билим ва тажрибаси, ташкилотчилик маҳоратини аҳоли турмушини яхшилашга сарфлаётганини кўрдик.

Халқимизда «Сув келтирган азиз», деган нақл бор. Туман ҳокимлигининг ёрдами билан Аму-Занг каналидан насослар ёрдамида оқар сув келтирилибди. Қувурлар тортилиб, одамлар тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлибди. 18 миллион сўмлик маблағ сарфланиб, хонадонларга табиий газ ўтказилибди. 50 қатновга мўлжалланган қишлоқ тиббиёт шоҳобчаси қуриб битказилибди. Мактабларга ҳомийлик ёрдами кўрсатилибди.

Ширкат аъзолари моддий манфаатдорлигининг ошаётганлиги ва аҳолининг кам даромадли оилаларга моддий, маънавий кўмак кўрсатилаётганлиги муваффақиятни таъминлади. Биргина пахтачиликнинг ўзидан 180 миллион сўм даромад олинди. Шундан 20 миллион сўми соф фойда бўлди.

Ҳосилдорликни гектар бошига 40-45 центнердан оширган Ш.Исматов, Н.Қулматов, Х.Мейлиқулов, Б.Қобилов, Ф.Муҳаммадиева каби оилавий пудрат аъзолари иш ҳақига 1,8-2 миллион сўмгача пул олдилар.

— Ижтимоий ҳимоя меҳнат унумдорлигини оширади, деҳқонларнинг кайфиятини яхшилайди, - дейди биз билан суҳбатда хўжалик раҳбари. - Шуни ҳисобга олиб ширкат аъзоларига 76 тонна ғалла тарқатдик. Бундан ташқари, ҳар бир пудратчи режадан ортиқча топширган 1 тонна пахтаси учун 50 килограмм ўсимлик ёғи, 200 килограммдан шулха, 300 килограммдан кунжара олди.

Қариялар ва ногиронлар ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. 12 та кам таъминланган оилаларга дон, мой ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, 10 нафар ногиронга 100 минг сўмлик моддий ёрдам берилди.

Хўжаликдан қайтишда Камолхон бобо билан яна учрашдик. Отахон қишлоққа кираверишда гузар қурмоқда. Қизириққа келган киши унинг чойхонасига бир қўниб, дуосини олади.

**Н.ИСОМУДДИНОВ.**

***Жиззах шаҳри кўчаларида «Самкочавто» «Медибус»лари қатнай бошлагач, бу қулайлик йўловчиларга манзур бўлган эди.***

# «МЕДИБУС»ЛАР МИРЗАЧЎЛГА ҚАТНАМОҚДА

Янги йил арафасидан эса митти «Медибус»лар вилоятнинг бир қатор туманлари марказларига ҳам қатнай бошлади. Микроавтобусларнинг вилоят марказидан анча олис ҳисобланган Мирзачўлга қатнаётгани туман аҳлини, айниқса мамнун этди. Жиззах-Мирзачўл йўналиши бўйлаб «Медибус»лар қатновининг йўлга қўйилиши нафақат мирзачўлликларга, балки Пахтакор ва Дўстлик тумани аҳолисига ҳам қулайлик яратди.

- Ҳозирча Жиззах вилоят кўчаларида 30 та «Медибус» қатнаётган бўлса, яқин кунларда улар сони 50 тага етади,- дейди «ЎзЭК-САЙД» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонасига қарашли автокорхона раҳбари Г.Тошбеков. - Микроавтобусларнинг 15 таси шаҳар атрофига қатнайди.

**(ЎзА).**

***Президент Фармони — меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш таянчи***

**Шаҳрисабз шаҳрининг бош майдонида ўрнатилган улкан арча Ҳисор тоғлари роҳатбахш ҳавосини, игна баргли ўрмонлар нафасини олиб келган. Минглаб митти чироқлар самодаги сон-саноқсиз юлдузлардек жимирлайди.**

# ЁЛҒИЗ ҚАРИЯЛАР

## коммунал тўловлардан озод этилди

Олисдан оқ елкандек Оқсарой қўнғиралари кўзга ташланади. Буюк бобомиз Амир Темур ҳазратларининг ҳайкалларини зиёрат қилмасдан ўта олмайсиз. Шарқнинг улкан тарихий меъморий обидаларига ҳавас билан термуласиз.

Арча атрофида қўл ушлашиб, рақсга тушаётган бахтиёр болажонларнинг қувончлари бир олам. Қорбобо ва Қорқиз совға-салом улашаяпти. Истиқлол, Ватан, тинчлик, дўстлик ҳақидаги қўшиқлар янграмоқда.

Катта майдонда вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Январ Иноятовни учратиб қолдик. У кўп йиллар Шаҳрисабзда раҳбар бўлиб ишлагани учун катта-кичикни яхши танийди. Бугун ҳам қадрдонлар ҳолидан хабар олиш учун келибди.

Шу куни вилоят оқсоқоллар кенгаши раиси Хосият Муҳаммадиева, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Боқи Эргашев билан биргаликда «Кулоллик» маҳалласида яшовчи юз ёшли Шочучук момо Жўраева хонадонида бўлиб, табаррук онахонни қутлаб, совға-салом топширдилар. Момо ва унинг 64 ёшли қизи Саломат Зубайдуллаева ҳукуматимиздан чексиз миннатдор эканликларини изҳор этдилар.

— Янги йил арафасида қувончимизга-қувонч қўшилди, - дейди туман оқсоқоллари раҳбари Б.Эргашев. - Биринчиси, Президентимиз томонидан 2002 йилни «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши бўлса, иккинчиси, «Илму адаб қуббаси» деб аталган шаҳримизнинг 2700 йиллигини нишонлаш тўғрисида ЮНЕСКО томонидан қарор қабул қилинганлигидир.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ўзининг бой тажрибаси, ўгитлари билан катта ҳисса қўшаётган нуронийларни эъзозлаш урфга айланган. Туманда 17,5 мингдан ортиқ табаррук кекса бўлиб, шулардан 2000 нафари фронт орти меҳнат фахрийлари, 427 нафари уруш қатнашчиси, 73 нафари биринчи, 173 нафари иккинчи гуруҳ ногиронларидир. Ёшлари 90 дан ошган қариялар 172 нафар, уч аср юзини кўрганлар 60 нафарни ташкил этади.

214 нафар ёлғиз кекса шаҳардаги корхона, ташкилот ва муассасаларга бириктиб қўйилган.

Ёлғиз кексалар, ногирон ва нафақахўрларга 600 минг сўмлик дори-дармонлар, протез, ортопедия ускуналари олиб берилди. Тиш ва эшитиш мосламалари қўйилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Рамазон Каримов, Шерзод Ҳайитов, Фахриддин Раззоқовлар ногиронлик аравачалари билан таъминланди. Бошқаларга 300 минг сўмлик моддий ёрдам берилди.

«Нуроний» жамғармасининг туман бўлими жамоатчилик марказлари, «Маҳалла», «Наврўз», «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармалари, касаба уюшмалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда отахону онахонларга 4 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатди. Уларга 7 миллион 587 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Улуғбек номли, Амир Темур номли, П.Шербобоев номли, Ў.Иброҳимов номли, Ғ.Бобоёров номли, Ж.Элбоев номли ширкат хўжаликлари кам таъминланган оилалар ва қарияларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб келмоқдалар.

Ҳомийлар томонидан иккинчи гуруҳ ногиронлари ва ёлғиз қарияларнинг турар-жойлари таъмирлаб берилди. 115 нафар ёлғиз қария газ, сув, электр энергияси каби коммунал тўловлардан озод этилди.

Инсон кўнгли гулдан нозик, дейдилар. Туман ижтимоий таъминот ва соғлиқни сақлаш бўлимлари, Зангирон, Ипак йўли, Ғафур Ғулом, Қозигузар, Кунчиқар, «Пахтакор» каби маҳалла қўмиталари раислари хасталик тўшагида ётган 86 нафар қариянинг ҳолидан хабар олдилар.

Ҳар бир кексанинг иззат-ҳурматини жойига қўйиб, уларнинг дуосини олиш туман ҳокимлиги ва «Нуроний» жамғармаси, касаба уюшма ходимларининг кундалик ишига айланган.

**Н.ИЗЗАТИЛЛАЕВ.**

*«Ишонч» фош этади*

# ТАДБИРКОРЛИК НИҚОБИ ОСТИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг хўжалик юритувчи субъектларда текширишларни тартибга солиш тўғрисидаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 496-сонли Қарори асосида Бухоро вилояти назорат органлари томонидан бир мунча тадбирлар амалга оширилди.**

Вилоятда текширишлар сони бурноғи йилга нисбатан 1,5 бараварга камайди. Лекин, шунга қарамай, тадбиркорлик ниқоби остида ўз манфаатини ўйлаб, давлатимиз қонунларини бузаётган кишилар ҳам учраб турибди. Масалан, Қоракўл туманида яшовчи сохта тадбиркор Сунбул Очилова умумий нархи 44 минг сўмлик бўлган 200 қути сигаретани, бухоролик Абдулла Қурбонов қарийб ярим миллион сўмлик дори-дармонларни акциз маркасисиз республика пойтахтига сотиш учун олиб кетаётганларида қўлга тушдилар.

Бухоро шаҳар Тўқимачилик туманидаги «Табиат саховати» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси К.Шарипов ва бош ҳисобчиси Б.Жўраевнинг масъулиятсизлиги сабабли бюджетга 57 миллион сўмлик маблағ кам тўланибди.

Олот туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан 26 марта текшириш ўтказилиб, унда акциз маркасисиз тамаки маҳсулотлари ва алкогол ичимликларни ноқонуний йўллар билан сотиш ҳоллари аниқланди. 27 нафар қонунбузардан 8298 қути, жами 1,5 миллион сўмлик тамаки маҳсулотлари олиб қўйилди.

Р.Ботиров жамоа ширкат хўжалигида яшовчи Жамила Раҳмонқулова 200 минг сўмлик ҳужжатсиз чет эл сигареталарини сотаётганда тузоққа илинди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Вилоят назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ишчи комиссияси раиси ўринбосари, давлат солиқ инспекцияси бошлиғи А.Ҳакимовнинг маълум қилишича, «Ишонч» телефонлари мунтазам ишлаб турибди. Ўтган ойлар давомида 83 марта турли масалалар бўйича шикоятлар қайд этилиб, 24 ҳолатда тегишли чоралар кўрилди. 42 нафар мансабдор шахс солиқ қонунларини бузганлиги учун тегишли миқдорда жаримага тортилди.

**ЁЛҚИН.**

# ТУТАШ

## ёхуд Алихонтўра

**Таълим азалдан инсоннинг ўзлигини англашига, унинг тафаккурини ривожлантиришга, дунёқарашини кенгайтириб, чуқур билим олишга имконият яратган. Айни вақтда асрлар давомида таълим ва тарбия том маънода инсонпарварлик йўлида мутлақо адашмай келяпти, дейиш ҳам мушкул. Сабаби — турли даврларда мавжуд давлат ва ижтимоий тизим манфаатларидан келиб чиқиб, унга турлича ёндошилган. Дейлик, Шарқда қадимдан таълим ва тарбияга маънавий омил сифатида қаралган бўлса, Ғарбда эса бу ёндошувда моддий омил, инсоннинг моддий манфаатларини ўзида мужассамлаштирган ақл-идрок етакчилик қилади.**

Зотан, Шарқ инсоният маданиятининг бешиги бўла туриб, ғарб дунёсидан тараққиётдан, айниқса, техник равнақ масаласида орқада қолиб кетганлиги сабабларини Алихонтўра Соғуний ўзига хос нуқтаи назар ила изоҳлайди.

Шарқ фалсафаси аввал бошданоқ асосан инсон руҳиятини, унинг маънавий оламини билишга, одамларнинг ўзаро муносабатларини англашга эътибор берган. Ғарб фалсафасининг асосий мақсади эса ташқи дунё табиатини билишга, инсонларнинг табиатдаги ўрнини аниқлашга қаратилган эди.

Шарқ ўз тафаккурида инсоннинг ижтимоий аҳволини нисбатан иккинчи ўринга суриб, унинг маънавий камолотига эътибор берган. Ғарб учун эса инсоннинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш бирламчи шарт ҳисобланган.

Бунинг оқибати ўлароқ Европанинг йирик давлатлари XV асрнинг ўрталаридан бошлаб тараққиётда, жумладан техник равнақда Шарқдан олға кетиб, дунёнинг турли қитъаларида янги-янги ҳудудларни эгаллашга киришганлар. XV асрнинг охирида римлик Христофор Колумб Америка қитъасигача кемада сузиб борган. Гарчи ватандошимиз Абу Райҳон Беруний ундан беш аср илгари дунёнинг нариги тарафида қуруқлик бўлиши кераклиги ҳақида башорат қилган бўлса-да, бу фикрни европаликлар илиб кетишган. Ёки Ибн Холдун Абдураҳмон Абу Зайд (1332-1405) биринчилардан бўлиб тарихий ижтимоий тараққиёт моддий тамойилларга асосланиши ҳақида фикр юритди, бу билан ғарб олимлари Макиавелли, Монтескьега катта таъсир кўрсатди. Ибн Холдун товар қийматининг замирида сарфланган меҳнат ётишини асослаб берганда ҳали Европа уйқуда эди. Унинг «Ибратли мисоллар китоби»да иқтисодий ғоялар жамланган бўлиб, «жамият моддий қиймат ишлаб чиқарувчилар» жамоасидан иборат эканлиги қайд этилган. У моддий зарурат тарихни ҳаракатлантирувчи асосий куч, меҳнат унумдорлиги, зарурий ва қўшимча меҳнат, қиймат тушунчалари, товар-пул муносабатларини таҳлил қилган, нархлар бозорга олиб чиқилган товарлар массаси (талаб ва таклиф)га боғлиқлигини айтган.

Шарқнинг Ғарбдан орқада қолиб кетишига яна бир сабаб шуки, Ғарб таълимни восита деб билиб, илм-фаннинг барча қирраларидан кенг фойдаланиб, моддий тўкин-сочин жамият қуришга интилган, бироқ у аҳлоқий қадриятларни бой бера бошлаган. Шарқ эса таълимни мақсад деб қараб, техникавий тараққиётга жиддий эътибор бермади, юксак маънавиятни сақлаб қола олди-ю, лекин иқтисодий таназзулга учради. Чор истилоси арафасида Туркистон ўлкаси ана шундай турғун ҳолатда эди.

Алихонтўра Соғуний Ислом дунёсидаги Уйғонишларни таҳлил қилади. Масалан, Бағдод шаҳрида фанлар уйи, яъни ҳозирги иборамиз билан айтганда, академия очилганлиги, қадимги Миср, Рим, Юнондан қолган илмий мерослар ўрганилганлиги, оссурий ва лотин тилида яратилган нодир асарлар араб тилига ўгирилганлиги ва натижада Ислом Уйғониши юз берганлиги ва бундай Уйғонишлар IX-XII асрларда Туронда ҳам содир бўлганлигини тилга олади.

Урганчда Маъмун академияси очилганда Хоразм салтанати дунёдаги энг улкан ва энг қудратли давлатлардан бирига айланиб бораётган эди.

Шарқдаги яна бир Уйғониш Амир Темур номи билан ва фаолияти билан боғлиқдир. Амир Темурнинг давлат сиёсатига кўра инсоннинг ижтимоий аҳволига ҳам, маънавий камолотига ҳам баббаравар эътибор берилган, яъни Шарқ ва Ғарб фалсафаси бирлаштирилиб, ягона мақсадга йўналтирилган эди. Бунга мисол қилиб, Амир Темурнинг Испан, Фаранг, Румон, Византия давлатлари билан дипломатик муносабатлар ўрнатганлигини келтириш мумкин.

Шарқдаги бу Уйғонишлар Европага кўчганлиги, унинг маркази дастлаб Франция бўлганлиги, кейинчалик Испания, Италия, Англия, Германияга ёйилганлиги, бу мамлакатлар орқали Россияга ҳам етиб келганлигини айтиб, бизлар эса жаҳон тараққиётидан четда — ғафлатда қолиб кетдик-да, охир-оқибатда тушкунликка тушдик, дейди Соғуний бир суҳбат чоғида.

Европаликлар Шарқнинг илм-фан бобида эришган ютуқлари қаймоғини ўзлаштирганлар, жумладан, буюк ватандошларимиз бўлмиш Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур асарларини ўз тилларига таржима қилганлар, дорилфунунларида дарслик сифатида қўллаганлар. Бугина эмас, Ал-Маъмун, Хорун ар-Рашид замонларида ва ундан кейин ҳам лотинчадан арабчага таржима қилинган асарларни яна ўз тилларига кўчирганлар. Зеро, қадимги лотин тили аллақачон муомаладан чиқиб, ўлик тилга айланиб қолган эди. Шарқ эса ўша бойликни араб тилида асраганди. Улар ўз меросларини шу йўл билан ҳам ўзларига қайтара билдилар. Мана буни ҳақиқий устаси фаранглик десак бўлади, дейди Соғуний. Хўш, бизлар-чи? Бизлар бўлсак, оғзимиздагини ҳам олдириб ўтирибмиз.

...Бунинг учун, — дейди Соғуний, — **бир етакчи зарур кўринади**. Замонанинг кетиши шу бўлса, умумжаҳон равнақи оқимида миллатларнинг миллий уйғонишлари кучаяверади, бунинг самараси ўлароқ, **мазлум халқларнинг ўз миллий етакчилари етишиб чиқажак**.

Алихонтўра Соғуний ўз фикрларини давом эттириб яна шундай дейди: **«У етакчимизни бизлар кўролмасак-да, набираларимиз кўрсалар ажаб эмас. Камина ҳамиша шунинг орзусида, шунинг дуосида, беш вақт намоз устида Яратган эгамдан шуни илтижо қилади. Оллоҳ таоло сўралишни сезгувчи буюк зотдир. Сизлар ҳам Тангри таолодан шуни илтижо қилаверингиз, шояд ниятимиз мустажо бўлғай, иншооллоҳ...»**

Қаранг, у кишининг вафотидан чорак асрча вақт ўтгач, биз ҳақиқий миллий етакчига эришдик. Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида авлодларимиз орзу қилган кунга етиб келдик, миллий истиқлолга эришдик.

Юртбошимиз аввал бошданоқ Шарқ фалсафий тафаккури ила инсон руҳияти, унинг ички олами, уларнинг ўзаро муносабатларини англашга, яъни инсоннинг маънавий камолатига керагича эътиборни қаратди. Бунга юртимизда кейинги 10 йил ичида таълим, маънавият ва иқтисодиёт соҳасида амалга оширилаётган ва изчил суратда давом эттирилаётган ислоҳотлар ёрқин мисол бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда таълим соҳасида олиб борилаётган

*Эзгу ният*

# ФАРЗАНД МЕҲРГА ЗОР БЎЛМАСИН

***Қарши шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи Хайрулла Сайфуллаев кўп йиллар шу соҳада хизмат қилган. Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ёшлар тарбиясини шакллантиришда катта тажрибага эга. Суҳбатимиз айни шу мавзуда бўлди.***

**— Хайрулла ака, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари хусусида тўхталсангиз.**

— Содир этилган жиноятнинг сабабларини чуқур ўрганиш жуда муҳим. Айтайлик, ўғирлик жинояти. Бунинг сабабини баъзилар кўп нарсага йўяди. Менимча, ҳар қандай ҳолатда ҳам оиладаги таълим-тарбия бош омил саналади. Ички тарбия бўшлиги туфайли бола ўзининг хоҳиш-истагини амалга оширувчи ягона йўл меҳнат, интилиш ва изланиш эканлигини унутиб, «Ким ҳам билиб ўтирибди» қабилида иш тутади.

Айрим ёшларнинг тарбияси бузилиб, жиноятга қўл уришига яна бир сабаб бор: кўпчилик ота-оналар рўзғор ташвишлари баҳонасида фарзанд тарбиясига аҳамият бермай қўйганидир. Бир мисол. Яқинда шаҳар марказидаги хонадонлардан бирида икки мактаб ўқувчиси ўғирлик қилаётганида қўлга олинди. Ўрганиб чиқилганда, иккаласининг ҳам онаси тижорат баҳонасида бир ҳафта олдин уйдан чиқиб кетган. Оталарининг эса парвойи фалак.

Бунга ўхшаш мисолларни яна келтириш мумкин. Шу боис маҳалла ва қишлоқларда маънавий муҳитга кўпроқ эътибор қаратиб, баъзи салбий ҳолатлар пайдо бўлишининг пайини қирқишга ҳаракат қилаяпмиз.

**— Айтишларича, «Меҳрибонлик уйларида» тарбияланаётганларнинг кўпчилиги ота-онаси бор болалар экан.**

— Гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва фоҳишабозликнинг ярамас хавфли иллат эканлиги хусусида бот-бот фикр юритамиз. Лекин уларнинг касри-касофати доимо кўз ўнгимизда намоён бўлавермайди. Ногирон болалар, «Меҳрибонлик уйларида»ги айрим тирик етим ўғил-қизлар мана шундай иллатларнинг жабрини чекишмоқда. Уларни кўрганда вужудингиз титрайди. Аммо энг ачинарлиси, буларнинг кўпчилиги орамизда, ёнимизда, биз билан бирга нафас олиб юрган гиёҳвандлик ва ичкиликка муккасидан кетган кимсаларнинг зурриётларидир.

«Меҳрибонлик уйлари»га ташриф буюрган киши бу ерда тарбияланаётган болажонларга ҳукуматимиз томонидан яратиб берилган шарт-шароитларни кўриб ҳавас қилса-да, барибир дили оғрийди. Чунки уларнинг мунгли нигоҳларида кимнидир кутаётгани, ота-она меҳрига зор эканлиги сезилиб туради.

Шунинг учун ҳам бундан кейин ота-оналар, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоллари билан ҳамкорликда ушбу масала бўйича пухта режа ишлаб чиққанмиз. Унга кўра, ҳар бир маҳалла оқсоқоли ўз тасарруфидаги ҳудудда аҳвол қандайлиги хусусида ахборот бериб боради. Бунинг учун уларга етарли шароитлар яратиб берилган. Боз устига, имкониятлардан келиб чиқиб, «Энг яхши маҳалла», «Энг яхши хонадон» мисолида ИИБнинг мукофотлари тавсия этилди. Бундан кўзланган мақсад — ҳеч бир болажон ота-она меҳрига муҳтож бўлмасин.

**Суҳбатдош:**
**Шуҳрат РЎЗИЕВ.**

*Долзарб мавзуда суҳбат*

***Муштарийларимиз таҳририятга қўнғироқ қилиб, мол-мулк солиғи тўловчилар ва мол-мулкка бериладиган имтиёзлар, шунингдек, кимлар якуний йиллик даромадлари ҳақидаги баённомани солиқ идораларига тақдим этишлари хусусида батафсил маълумот беришни илтимос қилишган.***

***Қуйида тажрибали мутахассисларнинг долзарб мавзудаги фикрлари, тавсиялари эътиборингизга ҳавола этилади.***

# МОЛ - МУЛК СОЛИҒИ

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 89-моддасида: мол-мулк солиғи тўловчилар — солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар мол-мулк солиғи тўловчилар деб белгиланган. Таъкидланган кодекснинг 90-моддасида солиқ солиш объектлари юридик шахслар учун асосий воситалар ва номоддий активларнинг ўртача йиллик баланс қиймати ҳисобланади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ мулк қилиб олинган ернинг қиймати бундан мустаснодир. Жисмоний шахслар учун уларнинг мулки бўлган уй-жойлар, квартиралар, чорбоғ ва боғ уйлари, гаражлар ҳамда бошқа иморатлар, бинолар, иншоотлар қиймати, уларнинг мулки бўлган автомобиллар, моторли қайиқлар, самолётлар каби транспорт воситалари двигателларининг қуввати солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Жорий йилнинг 1 январидан бошлаб эса аҳоли мол-мулк солиғи транспорт воситалари двигателларининг қувватидан эмас, балки автотранспорт воситаси учун ёқилғи сотиб олаётганида истеъмол солиғи тўлайдилар. Автобензин ва дизел ёқилғисининг 1 литрини 20 сўм, суюлтирилган газнинг 1 килосини 17 сўм тўлаб харид этадилар.

Савол туғилиши табиий: нима сабабдан ана шу истеъмол солиғи жорий этилди? Унинг қандай афзалликлари бор?

Ушбу саволларга республика давлат солиқ қўмитаси, жисмоний шахсларни солиққа тортиш бошқармаси бошлиғи Раҳматилла Исаметов қуйидаги жавобни берди:

— Жорий йилнинг 1 январигача жисмоний шахсларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларидан давлат автомобил патрул хизмати назорати маълумотларига асосан ҳисобда турган автомобилларнинг от кучидан келиб чиққан ҳолда солиқ ҳисоблаб ундириларди. Бунда автотранспорт ҳайдовчиси ундан фойдаланадими, йўқми, мол-мулк солиғини тўлар эди. Шунингдек, айрим солиқ тўловчилар транспортининг носозлигидан, яроқсизлигидан шикоят қилиб, ундан фойдалана олмаётганликларини таъкидлашарди. Шунга қарамай, мол-мулк солиғи ундирилаверарди. Бу албатта фуқаронинг чўнтагига зиён эди.

Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, айрим автотранспорт воситалари эгалари катта харажатлар эвазига автотранспорт харид этиб, мол-мулк солиғини белгиланган муддатларда тўлашни унутаётган эдилар. Мисол учун, 2001 йилда енгил автотранспорт воситаларининг двигател қувватидан 91 сўм 40 тийин, юк автомобилларининг двигател қувватидан 182 сўм 80 тийин мол-мулк солиғи икки муддатда 15 июн ва 15 декабрдан кечиктирилмай тўлаб келинганди.

Юнусобод тумани ДСИ жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими бошлиғи Нигмон Маҳамаджоновнинг таъкидлашича, йиллаб тўланмай келинган мол-мулк солиғи мутасаддилар томонидан давлат бюджетига ундириб олинади. Афсуски, айрим автотранспорт воситаси эгалари бу масалада масъулиятни унутиб қўйишган. Охир-оқибат уларнинг ўзлари ортиқча зиён кўришларини тушуниб етишлари керак.

Тошкент шаҳар автомобил йўл патрули назорати маълумотларига қараганда, 121.346 та шахсий автотранспорт воситаси эгаларидан 118.161 таси ўз вақтида келиб, янги жорий қилинган тартибдаги солиқларни тўлаб, ёқилғи харид қилмоқдалар. Бироқ 12.185 нафар мулк эгаси солиқдан қарздор бўлиб турибди. Шу боис жойларда солиқ инспекторлари маҳалла фаоллари билан ҳамжиҳатликда кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Тошкент шаҳар ДСБ матбуот маркази бошлиғи Тоҳир Суяров мутасаддилар билан фикрлашиш жараёнида яна қуйидагиларни муштарийларга етказишни таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 62-моддасида Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ бўйича ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар ва даромадлар ҳақида (декларациялар) маълумот берилиб, асосий бўлмаган иш жойидан (Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек, унинг ҳудудидан ташқаридаги манбалардан даромад олган резидент — жисмоний шахс) доимий истиқомат жойидаги солиқ органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай жами йиллик даромади ҳақида декларация тақдим этиши таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, тугалланган календар йилида фақат асосий иш, хизмат, ўқиш жойида меҳнат вазифаларини бажаришдан даромад олган жисмоний шахслар шу йил учун олинган даромадлар ҳақида декларация тақдим этмайдилар. Шунингдек, чет эллик жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасига келган кундан бошлаб бир ой мобайнида мўлжалланган даромадлар ҳақида декларация топширади ва жўнаб кетишидан камида бир ой олдин декларация тақдим этиши керак.

2002 йилда туман давлат солиқ инспекцияларида фуқароларнинг 2001 йил учун барча манбалардан топган даромадлари ҳақидаги бухгалтерия маълумотлари жамланмоқда. Масалан, Шайхонтоҳур тумани давлат солиқ инспекцияси пойтахтимиздаги энг кўп ана шундай солиқ тўловчилар маълумотларини жамлаб, уни республикамиздаги вилоят, шаҳар, туман ДСИларига юбормоқда. Бунинг сабаби, Шайхонтоҳур туманидаги Ўзтелерадиокомпания, давлат нашриётлари, ишлаб чиқариш ташкилотлари ва тижорат-воситачи шоҳобчалар томонидан берилаётган маълумотларнинг кўплигидир. Фуқаролар даромадларини баённома орқали назорат этиш бўлими бошлиғи Шеробод Жовлиевнинг таъкидлашича, 2001 йилда туманда барча корхона ва ташкилотлар бош ҳисобчилари, раҳбарларига огоҳлантириш хатлари юборилган, тижорат-воситачи дўконларга маҳсулотлар топшириб, даромад топган, (қалам ҳақи) олган фуқаролар ҳақидаги маълумотлар тўлиқ жамланди ва таҳлил этилди.

Таҳлил шуни кўрсатдики, айрим фуқаролар ўз вақтида декларация тақдим этмаяптилар. Бу гаплар кўпроқ санъаткорларга тегишлидир.

Азиз газетхон, сиз солиқ тизимига оид барча саволларингизга 1526486 телефонига қўнғироқ қилиб, мукаммал тарзда жавоб олишингиз мумкин.

**Суҳбатдош:**
**Давур ЖОЗИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**



И. ҲАСАНОВ олган сурат.

Қумқўрғон туманидаги «Дўстлик» маҳалласида 19 миллат вакилларидан ташкил топган 4 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида туман ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

***Суратда: туман ИИБ ходими, милиция майори Рўзи Жумаев (чапдан учинчи) ва маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бозорбой Ҳакимов (чапдан тўртинчи) фуқаролар билан мулоқотда.***

## Саволингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

**САВОЛ:** ***Мен 1970 йил 1 ноябрдан бошлаб то ҳозирги давргача 27-сон ўрта мактабда болалар етакчиси бўлиб ишлаб келаяпман. 2001 йилда 55 ёшга тўлдим. Менга ўқитувчилар сингари имтиёзли пенсия тайинланадими?***

**Болтабой КОМИЛОВ,**
**Амударё тумани, «Манғит» ширкатлар уюшмаси.**




**ЖАВОБ:** «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасида умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, вазифалар ва кўрсаткичларнинг 3-рўйхати белгиланган.

Юқоридаги модданинг «к» бандига асосан ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари — махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда эркаклар 55 ёшга тўлганларида, аёллар эса 50 ёшга тўлганларида имтиёзли пенсияга чиқишлари мумкин. 3-рўйхатнинг VII қисмида ушбу касб, лавозимлар рўйхати белгиланган. Лекин унда болалар етакчиси лавозими назарда тутилмаган.

# НУҚТАЛАР

## Соғунийнинг орзуси ушалгани хусусида

саъй-ҳаракатлар оламшумул аҳамият касб этади. Биздаги таълим ва тарбия ишида шарқона ва ғарбона қарашлардаги энг юксак фазилатлар — маънавий ва моддий омилларнинг узвий бирлигини таъминлаш, уни юксак замонавий андозалар даражасига кўтариш бош вазифа ҳисобланади.

Президентимиз энг муҳим масалалардан бири — замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Шу мақсад йўлида «Таълим тўғрисида»ги қонун кучга кирди, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» тузилди. «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармон эълон қилинди. Таълим тизимининг молиявий ва моддий таъминоти қонун йўли билан ижобий ҳал этилди. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 8-10 фоизига тенг қисми маърифат, таълим ва тарбияга ажратилмоқда — бу жуда катта миқдордаги маблағдир.

Жаҳон банки маълумотларига кўра 1999 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан таълим соҳасига ажратмалар агар Россияда 3,4 фоизни, АҚШ, Франция, Буюк Британияда 5,3-5,5, Данияда 8,4, Швецияда 7,8 фоизни ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 7,6 фоизга тенг бўлган, 2000 йилда эса 8,1 фоизга етди.

Республикамизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасидаги харажатлар 1999 йили 159,2 млрд. сўм, 2000 йили 248,8 млрд. сўм, 2001 йилда эса 336 млрд. сўмдан ортиқ бўлди.

Мустақиллик йилларида 300 дан ортиқ янги турдаги таълим муассасалари очилди. Фақат 1998-2000 йиллар мобайнида 160 минг ўқувчига мўлжалланган замонавий 260 та касб-ҳунар коллежи, 47 та академик лицей қурилиб, фойдаланишга топширилди. Булар учун 135 млрд. сўм маблағ сарфланди. Ўрта махсус ўқув юртларига зарур бўлган жиҳозлар сотиб олиш учун жалб қилинган чет эл инвестицияларининг миқдори 150 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

2005 йилга бориб республикамизда 1651 та касб-ҳунар коллежи ва 181 та академик-лицей қуриб битказилиши керак.

Таълим соҳасида Ўзбекистон АКСЕЛС, АЙРЕКС, Америка Конрад (АҚШ), ДААД, Конрад Аденауэр фонди (Германия), Британия Кенгаши (Буюк Британия), Сауд Ал-Балтин фонди (Миср) каби Халқаро ташкилотлар ва бошқа ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан иқтидорли ёшларнинг чет элда ўқишини қўллаб-қувватловчи «Умид» жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғарма ёшларимизга ажратилган грант ҳисобига АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва Япониянинг энг нуфузли университетларида кўплаб мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистр даражасини олиш имконини беради. Ҳозирги вақтда 3000 талаба ва аспирантлар чет элларда таълим олмоқдалар.

Юқори савияли ва замон талабига мос келувчи кадрларни тайёрлашда таълим муассасалари, биринчи навбатда, олий таълим муассасалари профессор-педагогик ходимлари сафидан етук ўқитувчи-кадрлар тайёрлаш, уларнинг ривожланган хорижий мамлакатлар таълимидаги ижобий тажрибаларини ўрганиши, ўқитишнинг янги педагогик технологиялари билан танишиши ва чет элларда тажриба орттиришини таъминлаш мақсадида 1997 йилда «Устоз» Республика жамғармаси ташкил этилди. Ҳозирги кунга қадар 2200 нафар педагог ўз малакасини чет элларда ошириб қайтди.

Ўзбекистон ҳуқуқий демократик жамият сари биринчи ва жуда муҳим қадамларни қўйди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ҳаётга тадбиқ этилиши Халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнимизни мустаҳкамлашга олиб келади. Зотан, дунёнинг бугунги ривожи интеллектуал салоҳиятда, фикрда, ақлда, илғор технологиядадир.

Миллий дастурдан кўзланган мақсаднинг тўла амалга ошиши мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий муҳитнинг янада яхшиланишини таминлайди. Жамиятда янги шахс — комил инсонлар шаклланади ва фаолият кўрсатади.

Аниқроқ қилиб айтсак, Президентимиз ташаббуси билан дунёга келган «Кадрлар тайёрлаш милий дастури» ва бу асосда таълим-тарбия борасида тубдан янги таълим моделининг бунёд этилганлиги чет эллик энг мўътабар мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилмоқда, тан олинмоқда. Юртбошимиз инсоннинг ижтимоий эҳтиёжлари, моддий талабларини қондиришни ҳам унутмади. Бунга истиқлол йилларида мамлакатимизда иқтисод соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва эришилаётган иқтисодий ютуқлар мисол бўла олади.

Хуллас, Юртбошимизнинг назарий ва амалий фаолиятида Шарқ ва Ғарб фалсафий тафаккури туташди ҳамда Соғуний орзу қилган шахс — миллий етакчимиз раҳнамолигида XXI асрга ва янги минг йилликка дадил қадам қўйдик, келажакка умид ва ишонч билан боқмоқдамиз. Юртбошимизнинг кучли салоҳияти ва фазилатлари тўғрисида Чингиз Айтматов шундай дейди: **«Тарих халқ ҳаётининг энг мураккаб дамларида шундай бир шахсни танлайдики (буни сиёсий селекция деб аташ мумкин), миллат тақдири унинг иродаси, қатъиятлиги, масъулиятлилигига боғлиқдир. Ислом Каримов ҳозирги Туркистон тарихида худди шундай буюк шахс ҳисобланади. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайлигина мустақил Ўзбекистон тез ва изчил мустаҳкам барқарорликка эришди, тараққиёт йўлидан жадал ривожланаётган давлатга айланди».**

**Шерқул ШОДМОНОВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор,**
**Турғун ЗИЯЕВ,**
**фахрий доктор,**
**Шоира ИСРОИЛОВА,**
**катта ўқитувчи.**

*Луқма*

# АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИМИ?

Қизилтепа туманидаги «Бухоро» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган 19-мактаб биноси айтишларича, 1954 йилда ишга туширилган. Бу кўҳна илм масканидан қанчадан-қанча олиму фузалолар, ишлаб чиқариш усталари етишиб чиқмади, дейсиз. Бироқ йиллар ўтиб бинога путур етди. Ўқувчилар сони ҳам кўпайиб, илгари 400 ўқувчи ўқиган бўлса, бугун уларнинг сони 1078 нафарга етди. Ўқув жараёни икки босқичда ташкил этилган. Тушликкача 22 синф, ундан кейин 11 синф ўқийди. Машғулотлардан айниқса, қишда қоронғи тушганда қайтиш бир ярим, икки километр олисдан қатнайдиган ўқувчиларга қийин кечмоқда.

Бунинг устига синф хоналари тор. Доска билан парта ўртасидаги масофа 1 метрдан ошмайди. Ҳолбуки, дарс ўтиш учун синф хоналари етишмай турган бир шароитда тўгарак машғулотлари ва танловлар ўтказиш учун имконият нақадар чекланганини тасаввур қилиш қийинмас.

Ана шуларни ҳисобга олиб, «Бухоро» ширкат хўжалиги хайрли ишга қўл уриб, ўз ҳисобидан лойиҳа асосида янги мактаб қура бошлади. Қисқа вақт ичида 30 фоиз қурилиш ишлари бажариб ҳам қўйилди. Лекин иш бирданига тақатақ тўхтаб қолди. Бунинг учун хўжаликни айблаш инсофдан эмас. Чунки ўтиш даври қийинчиликлари бу хўжалик иқтисодиётига ҳам таъсир кўрсатди. Лекин савобли ишни ниҳоясига етказадиган ҳомий топилмади. Чала бино йиллар давомида сўппайиб тураверди.

Хўш, туя гўшти еган бинода иш қачон ниҳоясига етказилади? Қачон ўқувчилар кенг ва ёруғ синф хоналарида таҳсил оладилар? Ота-оналар ва мураббийларнинг бу ҳақда нуфузли ташкилотларга, жумладан, вилоят халқ таълими бошқармаси ва республика Халқ таълими вазирлигига қилган мурожаатлари негадир жавобсиз қолмоқда.

Туман ҳокимлигидан берилган маълумотга қараганда, мактаб қурилиши амалдаги йилда давом эттирилиб, ниҳоясига етказилиши вилоят капитал қурилиш бошқармасининг иш режасига киритилибди. Айтинг-айтинг, болалар яна алданиб қолишмасин-да.

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Турмуш чорраҳаларида*

# ҚИЗ БОЛА — ҲАЁТ ГУЛИ

«Мажнунтол» чойхонаси ёнидан ўтиб бораётиб бир гуруҳ маҳалла оқсоқолларининг ҳовуз бўйидаги ёғоч сўрида ўтирганига кўзим тушди. Қўлимни кўксимга қўйиб салом бердим. Кимдир чой узатди. Ҳалим бобо зийрак одам, соатга нигоҳ ташлаганимни пайқаган экан.

— Шошилаяпсиз чоғимда, ўзларингиз айтганларингиздек, муҳимроқ бир масалада тўхтатгандик.

— Унчалик эмас, бемалол! — Сир бой бермасликка уриндим.

Бобо давом этди:

— Мирқосим билан мактабдош деб эшитгандик сизни?

— Бир вақтда ўқиганмиз, салом-алигимиз бор.

— Унда нур устига аъло нур. Сизга илтимосимиз шуки, ўша қадрдонингизга сал насиҳат қилиб қўйсангиз.

Мирқосим тушмагур қандай қовун туширди экан, кап-катта бўлгандаям тинч юрмапти-да, ўзиям.

— Хотинининг кўзи ёриган экан, ортидан бормаяптиям, туғруқхонадан тўппа-тўғри уйига кета берсин, депти. Чойхонага икки бор чақиртирдик. Келмади. Қочиб юрибди. Тутқич бермаяпти. Майли, аввал тенгдошлари олдидан ўтайлик деб сизга айтяпмиз.

— Йўғ-е, - дедим беихтиёр. — Нега энди?

Саволимга Ҳалим бобо ўрнига Тўхливой ота жавоб қилди.

— Хотини бешинчи қизни туққан экан. Шунга йигитнинг орияти келганмиш.

Тўқим табиат мактабдош жўрам қилиғидан ранжиган кўйи йўлда давом этарканман бошқа бир қалби қуёш инсон хотирамда жонланди.

... У билан дастлаб учрашганимизда ҳали талаба эдим. Вилоят газетасида амалиёт ўтказаётганимда пахтакорлар ҳаётидан мақола ёзиш учун олис туманга юборишди. Адирлар оралиғидаги бригадага борганимда қуёш тиккага келган, саратон ҳароратига чидамаган жонсарак қушлар ҳам ўзларини сояга уришганди. Шийпон ҳовлисидаги қуюқ толлар билан қуршалган ҳовуз бўйи кўзларимга тўтиё туюлди. Офтоб тиғида юмалоқ юзлари чўяндек қорайган, ўсиқ мўйлаби ўзига ярашган бригадир билан дарров иноқлашиб кетдик. Бригада аъзолари тушликка тўплана бошлашди. Салқинга тўшалган палос бир зумда эркак-аёл, ёш-яланглар билан гавжум бўлди. Пайкалдан чиқиб келган қалдирғоч болаларидек бирбировига ўхшаш қизалоқлар эътиборимни тортди. Бригадир қизалоқларнинг новчароғини чақирди ва дарахт шохига илинган тугунга ишора қилди.

— Бугун аяларинг хўпам ширин шўрва пиширган-да. Нонни олинглар да маза қилиб қоринни тўйғазинглар.

— Қизларингизми? - сўрадим беихтиёр.

Бригадир бошини қимирлатиб тасдиқлади.

— Ҳаммаси-я? - ажабландим.

Энди суҳбатдошим оппоқ тишларини кўрсатиб жилмайди.

— Булар олтитаси, холос. Уйда яна учта кичкинтойимиз бор. Кўраётганларингизнинг каттаси тўққизинчида, кичиги учинчи синфда ўқийди.

Даланинг овқати тотли. Қайноқ чой жон роҳати. У ёқ, бу ёқдан гаплашиб ўтирдик.

— Сиз ёшсиз, ҳали билмайсиз, қиз болани ҳаёт гули деганлари тўғри, айниқса. отасига жуда меҳрибон бўлади. — Асад ака оқ оралаётган мўйлабини силаб қўйиб, мамнун кулимсирайди. — Қачон кирманг, ҳовлимиз ёғ тушса ялагудек. Оналарини ўрнидан қўзғотишмайди...

Орадан йиллар ўтди. Баҳор Ғозовон адирликларига неча бор сеп ёйди-ю қишлоқ аҳли неча куз ва баҳорни кузатиб қўйди. Қалдирғоч боласидек қаторлашган жамалаксоч, қорақош қизалоқлар отаси бўлган Асад акани вилоят йиғилишида учратиб аранг танидим. Мен кўрган мош-гурунч мўйлаби қордек оқарган. Қизалоқларини сўраганимдагина аранг эслади.

— Э, мухбир ука, сизмисиз? — Кетмон дастасида қотган бақувват қўлларини узатди. — Сингилларингиз уйлик-жойлик бўлиб кетишган. Набираларни тўпласак, ҳозир ҳовлига сиғишмаймиз.

— Қизларингизни тўққиз нафар дегандингиз шекилли?

Асад аканинг суяклари билиниб қолган қорамтир юзига табассум қалкди.

— Кейингилари ўғил бўлган. Тағин бир эмас, икки нафар. Худодан астойдил тиласа бераркан. Каттаси тракторчи, уйлаганман. Кичиги армияда.

— Қизлар келиб туришадими? Қаерларда ишлашяпти?

— Учтаси ўқитувчи. Докториям бор. Боғчада, фермадаям, даладаям ишлашади. Минг бор шукур, бари онасига тортган. Мўмин, қобил.

— Бахтли оилангиз бор, Асад ака!

Асад аканинг сўник кўзлари чақнади.

— Қизни ўғил боладан камситганлар адашишади. Қизларимдан бирортаси аҳвол сўраб, пешонамни ушласа вужудим нурга тўлгандай, дардим йўқолиб бораётгандек туюлади.

... Қиз туғилса ҳам қувонган, ўғил кўрганда боши осмонга етган Асад ака сингари инсонлар Мирқосим каби ношукурлар қилиғини эшитганда нима дейишган бўларди?

**О. ЖУМАНАЗАРОВ.**

*Ҳикматлар*

## БИР ҲОВУЧ ГАВҲАР

*Ўзини алдаш энг ёмон, чунки бунда алдамчи доим алдаганнинг қаршисида туради.*

***

*Агар мен ёлғон сўзласам, ёлғон сўзлаган одамимдан кўпроқ ўзимни ҳақорат қилган бўламан.*

**М.МОНТЕН.**

***

*Ёлғон олдин фойда келтирса ҳам — оқибатда барибир зарар келтиради, ҳақиқат бошида зарар келтирса ҳам — оқибатда барибир фойда келтиради.*

**Б.МИРАК.**

***

*Ёлғончи ҳам ўғридир, ўғри мулкингни ўғирласа, ёлғончи кўнглингга қўл солади.*

**А.ХУСРИЙ.**

***

*Хато қилиб уни англаш — донолик, хатони англаб, уни тан олиш ҳалолликдир.*

**Цзи ЮН.**

***

*Инсон моҳияти ақлда, ақлнинг моҳияти хатти-ҳаракатда билинади.*

**ФОРОБИЙ.**



*Гурунг*

*Кураш*

# ГИЛАМДА — ФАХРИЙЛАР

***Халқимизнинг маънавий бойликларидан қувват олган, қадриятларимиз ва урф-одатларимизни ўзида мужассамлаштирган ўзбек кураши мардлик, ҳалоллик, бағрикенглик рамзи бўлганлиги учун ҳам дунё халқларининг эътиборини қозонди.***

Яқинда Қарши муҳандислик иқтисодиёти институтининг спорт саройида мамлакатда илк марта ўзбек миллий кураши бўйича фахрийлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Мусобақада 46 ёшдан 55 ёшгача, 56 дан 65 ёшгача ва 66 дан юқори ёшдаги 70 нафар полвон 5 вазн тоифасида курашдилар.

Курашчилар даврасида 63 ёшли Жаббор полвон Маҳмарасулов билан суҳбатлашиб қолдик. Жаббор бобо оламга донг таратган Эрали полвоннинг отаси. Сурхондарё вилоятидан келган кекса курашчи вақтида davralarга тушиб кўпларнинг елкасини ерга тегизган.

— Юртбошимизнинг ғамхўрликлари туфайли миллий курашга кенг йўл очилди, — дейди Жаббор бобо. — Кураш жаҳондаги энг оммавий спорт турларидан бирига айланди.

Шу куни Алпомиш авлодлари ўзларининг кучқудратларини, маҳоратларини намойиш қилдилар. Беллашувларда қашқадарёлик Нортожи Сайимов, Рашид Мирзаев, Абраҳмат Йўлдошев, Эшим Тошниёзов, Собир Раҳматуллаев, Норқул Шералиев, сурхондарёлик Жўра Тошматов, Жаббор Маҳмарасулов, Нортожи Бойманов, Ҳамдам Ашуров, Нурали Баҳриддинов, бухоролик Нормуҳаммад Юсупов, Фатхулла Холиқов, тошкентлик Омон Тоймуродовлар ўзларининг ҳамон бақувват ва чапдастликларини намойиш этиб, ғолиб бўлдилар

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Истеъмолчи манфаати —муқаддас*

## ХАРИДОР ҲАҚИДАН УРМАНГ!

Республика "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 6-моддасига кўра савдога чиқарилган товарларга албатта нарх кўрсаткичлари қўйилган бўлиши лозим. Тошкент вилоятида ўтказилган текширишлар эса ҳудуддаги айрим савдо муассасаларида қонуннинг мазкур бандига ҳамиша ҳам амал қилинмаётганлигини кўрсатди.

- Республикамизда халқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги каби савдо соҳасида ҳам мулкчиликнинг турли шаклларидан фойдаланилмоқда, - деди Тошкент вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Бахтиёр Ғаффоров. – Бу истеъмол бозорида товарлар мўлкўллигини таъминлаш, шу йўл билан рақобатни ривожлантириш орқали аҳолига арзон нархларда кенг истеъмол моллари етказиб бериш мақсадида қўлланилаётган давлат сиёсатидир.

Шунга қарамай, айрим хусусий фирма ҳамда акциядорлик жамиятларга қарашли дўконларда товарларга нарх-наво белгилашда ҳали ҳам очиқдан-очиқ кўзбўямачиликка йўл қўйилаётир. Янгийўл шаҳридаги "Абдуманнон" хусусий фирма дўконида текшириш ўтказилганида бир килограмм пахта ёғини 660 сўм ўрнига 771,42 сўмдан сотилаётганлиги аниқланган. Дўконга жами 1000 килограмм пахта ёғи қабул қилинган бўлиб, ундан 870 килограмми сотилган. Бунда харидор ҳақига хиёнат қилиш эвазига олинган ортиқча фойда 96 минг 935 сўмни ташкил этган. Бундан ташқари дўкон пештахталарига қўйилган ўсимлик ёғи, гугурт, ош тузи, спиртли ичимликларга ҳам нарх кўрсаткичлари қўйилмаган эди.

- Лекин бу дўконлардаги вазият мутлоқ назоратдан четда қоляпти дегани эмас, - дея таъкидлади Бахтиёр Ғаффоров. - Жумладан, Чирчиқ шаҳридаги "Соҳил" дўкони жамоасига харидор ҳақига қилинган хиёнат ва назорат касса аппаратидан фойдаланилмай қилинган савдо учун Чирчиқ шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан 343 минг сўм молиявий жарима қўлланилган. Афсуски, бундай кўнгил хиралик холатлари вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам учраб турибди.

Текширишлар вақтида жами 13 та озиқовқат дўконининг фаолияти назоратдан ўтказилди. Улардан 7 тасида нархларни сунъий ошириш ҳолатлари аниқланди. Бу текширилган дўконларнинг 53, 8 фоизини ташкил этади. Уларда истеъмолчи ҳақидан уриб қолиш эвазига орттирилган маблағлар 170 минг 435 сўмни ташкил этган.

**"Туркистон-пресс"**

## ТОРТИҚ

Мамлакатимизда телевизион тиббиёт соҳасида ҳам самарали изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси лабораторияларида амалга оширилаётган изланишлар ижобий натижасини бера бошлади.

Тез тиббий ёрдамнинг янги телевизион тизимини яратиш, телекоммуникация ва маълумотларни қайта ишлаш ва узатиш масаласига бағишланган халқаро илмий конференциянинг бирлашма негизида ўтказилиши ҳам бежиз эмас.

Ушбу нуфузли анжуманда Афина техника университети профессори Дм.Сотириоу сўзга чиқиб, телетиббиётнинг янги йўналиши бўйича тадқиқотлар олиб бораётгани, бунда унинг Буюк Британия, Финляндия олимлари билан ҳамкорлиги қўл келаётганини гапириб берди. Бундай илмий изланиш натижаси ўлароқ телетиббиётдан янги ўқув дарслиги ҳам чоп этилди.

Анжуманда афиналик профессор ушбу ўқув адабиётини «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасига совға қилиб топширди.

**А.АЛИЕВ.**

*Ғафур Ғуломни эслаб*

***Атоқли шоир Ғафур Ғулом XX аср ўзбек адабиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг асарлари ҳозир ҳам худди кечагина ёзилгандай жаранглаб турибди. Ўткир фалсафий мушоҳада, теран фикр, гўзал бадиий услуб то ҳануз кишини ҳайратга солади.***

# ХИЗРСИФАТ ИНСОН ЭДИ

Мен бу буюк адиб билан бир неча бор учрашиш ва мулоқотда бўлиш бахтига муяссар бўлганман.

1949 йилда Тошкент Давлат университетида Ғафур Ғулом ижодига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтган эди. Бу пайтда мен Тошкент Давлат педагогика олийгоҳида, тил-адабиёт бўлимида таҳсил олардим. Университетда Ғафур Ғулом ижодига бағишланган адабий кеча бўлишини эшитиб, белгиланган вақтда ўша олийгоҳга бордим. Адабий кеча бошланиб, олийгоҳ домлаларидан бири Ғафур Ғуломнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маъруза қилди. Сўнгра ТошДУ талабаларидан баъзилари шоирнинг шеърларидан, баъзилари эса ўзларининг машқларидан ўқиб беришди. Мен ҳам сўз олиб, Ватан ҳақидаги шеъримни ўқидим. Сўнг Ғафур Ғуломга сўз берилди. У ёшларни пухта билим олишга, келгусида эл-юртга муносиб фарзандлар бўлиб етишишга даъват этди. Шеърим унга ёқди шекилли, мен ҳақимда илиқ гаплар айтди-да, ўзининг «Билиб қўйки, сени Ватан кутади» деган шеърини ўқиб берди. Кечадан бошим осмонга етган ҳолда қайтдим.

1951 йилда олийгоҳни битириб, ўқитувчилик қилиб юрарканман, ўзим ишлаётган мактабда ҳам Ғафур Ғулом ижодига бағишланган адабий кеча ташкил қилиш ва унга шоирнинг ўзини таклиф этиш фикри туғилди. Ниҳоят, туман халқ маорифи бўлими ва мактаб маъмуриятининг кўмаги билан шундай кечани ташкил этиш бахтига муяссар бўлдим. Бу анжуман Ғафур Ғуломнинг эллик ёшга тўлиши арафасида бўлиб ўтди. Кечага тумандаги барча мактабларнинг адабиёт ўқитувчилари ҳам таклиф этилди. Маросим охирида Ғафур Ғулом ҳурмат-эҳтиром учун ўз миннатдорчилигини изҳор этиб, янги ёзган шеърларидан бир нечасини ўқиб берди. Кеча тугагач, бир пиёла чой устида қизғин суҳбат бўлиб ўтди. Ғафур Ғулом менга назар ташлаб, «Ҳой йигит, кўзимга иссиқ кўриняпсан. Сен билан қаерда учрашган эдик?» деб сўраб қолди. Мен бундан тўрт йил аввал Тошкент Давлат университетида ўтказилган адабий кечада учрашганлигимизни, ўшанда шеър ўқиганлигимни айтиб бердим. У «Ҳа, эсладим, шеър ўқиган эдинг ўшанда. Ижод қилиб турибсанми?» деди. «Шеърлар ёзиб турибман. Баъзилари республика матбуотида чоп этилди» дедим унга жавобан. «Яхши, - деди у менга юзланиб. - Бу ёғи ўзингга боғлиқ».

Орадан ўн йилча вақт ўтгач, бир куни қишлоғимиз гузари томон кетаётиб, жамоа хўжалигининг чойхонаси олдида бехтиёр тўхтаб қолдим. Ғафур Ғулом жамоа хўжалиги раиси билан гаплашиб турибди. Биз эски танишлардек ҳол-аҳвол сўрашдик. Мен уни уйимга, бир пиёла чой ичишга таклиф қилдим. Ғафур ака вақти зиқлигини, газета таҳририяти илтимосига кўра, бир иш юзасидан келганлигини айтди. Сўнг «Насиб қилса, яна кўришармиз» дея, машинасига ўтириб, жўнаб кетди. Афсуски, буюк шоир билан қайта кўришиш насиб этмади.

Шунга ҳам қирқ-эллик йил бўлибди. Умр оқар сув, деганлари шу экан-да, дейман ўз-ўзимга. Ривоятларда айтилишича, Хизр бува билан учрашган одамлар бахтли бўлармиш. Мен Хизр бува билан учрашмаган бўлсам-да, Хизрсифат инсонлар билан мулоқотда бўлганман. Жумладан, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Чустий каби буюк зотлар ана шундай хизрсифат инсонлар эди. Шукрлар бўлсинки, шу улуғ зотларнинг назарига тушганлигимданми, асло кам бўлмадим. Етмишдан ошиб, саксонга шошяпман. Ўттиздан ортиқ бола-баҳра, невара-чевараларимнинг соясида пири бадавлатлик завқини сурмоқдаман.

**Соип МУҲАМЕДОВ,**
**меҳнат фахрийси.**

## ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗНИНГ САНКТ-ПЕТЕРБУРГ САФАРИ

Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Санкт-Петербургда ўтказилаётган 14-халқаро турнирнинг дастлабки учрашувида россияликларга қарши тўп суриб, 2:2 ҳисобида дуранг ўйнади. Иккинчи тур баҳсларида эса ёш футболчиларимиз Польша терма жамоасига қарши майдонга тушди. Бироқ бу ўйинда омад польшаликлар томонида бўлди - 2:0.

Мусобақа ғолиби 12 январ куни аниқланади.

## БИЛАСИЗМИ?

● Хитойдаги Вэньчуана энг юқори шаҳар ҳисобланиб, денгиз сатҳидан 5100 газ баландликда жойлашган. Унга 1955 йили Тибет-Цинхай йўлида асос солинган эди.

● Эйн-бекек қишлоғи Ўлик денгиз соҳилида жойлашган бўлиб, дунёда энг паст ўрнашган қишлоқ ҳисобланади. У денгиз сатҳидан 393 газ қуйида жойлашган.

● Россия ҳудудидаги энг шимолий шаҳарнинг кўриниши касабадан иборат. У 730 даража 31 шимолий кенгликдаги Арктика ҳудудида жойлашган Диксон портидир.

● Австралиядаги Маунт-Айз дунё миқёсидаги энг катта шаҳардир. Катта ҳудудни эгаллаган бу шаҳарнинг муниципалитети ихтиёрида 40.000 дан зиёд квадрат чақиримни эгаллайдиган майдони бор.

Зеро, Буюк Британиянинг энг йирик шаҳри — Катта Лондон бир ярим минг квадрат чақирим майдонни эгаллайди, холос.



ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.00

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 25. 123456